Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Адҳам

Image not found or type unknown



13:00 / 14.02.2021 2555

(биринчи мақола)

Пешво, имом, ориф, зоҳидлар саййиди Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Адҳам ибн Мансур ибн Язид ибн Жобир Ижлий (бошқа ривоятда Тамимий) Хуросоний Балхий.

Шомда истиқомат қилганлар. Юзинчи йиллар атрофида туғилганлар.

Оталаридан, Абу Ҳурайранинг шогирдлари Муҳаммад ибн Зиёд Жумаҳий, Абу Исҳоқ Сабиъий, Мансур ибн Муътамир, Молик ибн Динор, Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Али, Сулаймон Аъмаш, Ибн Ажлон ва Муқотил ибн Ҳайёндан ҳадис ривоят қилганлар.

У кишидан дўстлари Суфён Саврий, Шақиқ Балхий, Бақийя ибн Валид, Зомра ибн Рабийъа, Муҳаммад ибн Ҳимяр, Халаф ибн Тамим, Муҳаммад ибн

Юсуф Фирёбий, хизматкорлари Иброҳим ибн Башшор Хуросоний, Саҳл ибн Ҳошим, Утба ибн Сакан ҳадис ривоят қилганлар. У кишидан яна Авзоий ва Абу Исҳоқ Фазорий ҳадис айтганлар.

Имом Бухорийга Қутайба: “Иброҳим ибн Адҳам Тамимий Ижлий устозлари Мансурдан ҳадис ривоят қилганлар”, – деганлар.

Ибн Маъийн айтганлар: “У киши Бани Ижлдан”.

Муфаззал Ғалобий айтганлар: “Иброҳим ибн Адҳам Абу Муслимнинг даъватларидан қочиб юрганлар”.

Насаий айтганлар: “У киши сиқа, ривоятлари ёлғондан холи, зоҳидлардан”.

Фазл ибн Мусо айтганлар: “Иброҳим ибн Адҳамнинг ота-оналари ҳажга борганларида у киши Маккада туғилганлар”.

Юнус Балхий айтганлар: «Иброҳим ибн Адҳам улуғлардан. Оталари бадавлат бўлиб, хизматкорлари, от-уловлари, лочинлари ва ерлари бор эди. Иброҳим овда от чоптириб юрганларида, юқоридан: “Эй Иброҳим! Бу ўйинқароқлик нима?! Аллоҳдан қўрқ, охират ғамини е”, деган овоз келган. Ўша заҳотиёқ отдан тушиб, дунё муҳаббатидан воз кечганлар.

Қушайрийнинг “Рисола”ларида шундай дейилган: «Иброҳим ибн Адҳам Балхнинг боёнларидан. Ов пайтида тулки ёки қуённинг орқасидан қувлаётганларида, ғойибдан: “Сен шу нарса учун яратилдингми, шунга буюрилдингми?!” деган овоз келади. Уни эшитибоқ, отдан тушадилар. Оталарининг чўпонларини учратиб, унга от, кийим-бош ва бошқа нарсаларини берадилар-да, чўл-биёбонга чиқиб кетадилар. Суфён Саврий ва Фузайл ибн Иёз билан дўстлашадилар. Шомда яшайдилар. Ўроқчилик ва боғ қоровуллиги орқасидан тирикчилик қиладилар. Кунларнинг бирида саҳрода бир кимсани учратиб қоладилар, у “Исми Аъзам”ни ўргатади. Иброҳим ибн Адҳам ушбу исм билан дуо қиладиган бўладилар ва оқибатда Хизр алайҳиссаломни учратадилар. Хизр алайҳиссалом у кишига: “Сенда биродарим Довуд алайҳиссаломнинг илми бор”, – дейдилар”. Буни воиз Али ибн Муҳаммад Мисрий ривоят қилганлар».

Бизга Абу Саъид Харроз Иброҳим ибн Башшорнинг Иброҳим ибн Адҳамдан бу йўлга қандай кириб қолганлари тўғрисида савол берганларида, юқоридаги ривоятни баён қилганликларини айтиб бердилар. Ибн Башшордан бошқа санад билан ҳам бу ривоят келган, аммо унда қўшимча бор. Бу шундан иборатки, Иброҳим ибн Адҳам айтдилар: «Бир шайхдан

ҳалол меҳнат қадрланадиган юрт ҳақида сўрадим. “Шомга боргин”, – дедилар. Унинг Массиса деган жойига бордим. У ерда бир неча кун ишладим. Сўнгра менга: “Тарасусга бор, унда сен истагандай юмуш бор”, – дейишди. Тарасусга бориш учун кемага минмоқчи бўлиб турганимда, бир одам келиб, мени боғига ишга таклиф қилди. Боғда ишлаб, бир муддат ўша ерда қолиб кетдим».

(Давоми бор)

«Машҳур даҳолар сийрати» китобидан